

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

2022 йил «28» июн

Арнасой тумани

Арнасой туман хокимлиги (кейинги ўринларда “буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **З.Исмамов** ҳамда «**ERK CAPITAL LUXE**» маъсулияти чекланган жамияти (кейинги ўринда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Б.Косимов** мазкур Шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топширигига кура мазкур Шартноманинг 1.2–бандида курсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини Буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Жиззах вилояти Арнасой тумани “Бахтли” МФЙ ва “Зарафшон” МФЙ биноларини лойҳа-смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш.

1.3. Пудратчи ишларни узининг материалларидан, узининг асбоб-ускунасида ва узининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

1.4.1. Буюртмачи таъмирлаш ишлари учун олдиндан 30% тўловни амалга оширади ва жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванс ҳисобга олинган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ амалга оширилади.

1.4.2. Ишлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан Ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Тарафларнинг мажбуриятлари.

2.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Ишларни лозим булган сифатда бажарилиши.

2.1.2. Ишларни мазкур Шартноманинг 1.4-бандига курсатилган муддатда бажариш.

2.1.3. Ишларни натижасини Буюртмачига топшириш.

2.1.4. Агар Пудратчи ишларни бажариш жараёнида Шартнома шартларидан ишларининг сифатини ёмонлаштиришга олиб қоладиган четга чиқишга йул қуйган булса, Буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 5 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.5. Ишларни шахсан бажариш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Пудратчидан Ишлар тугалланганлиги хақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур Шартноманинг натижасини куриб чиқиш ва қабул қилиш, Ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган Шартномадан четга чиқишлар ёки Ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар хақида Пудратчига дарҳол хабар бериш.

2.2.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан бошлаб 30 кун ичида мазкур Шартноманинг 4-бандида курсатилган баҳо бўйича Ишлар учун ҳақ тулаш.

3. Тарафларнинг ҳуқуқлари.

3.1. Пудратчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Буюртмачи томонидан мазкур Шартноманинг 4-бандида курсатилган баҳо бўйича Ишлар учун ҳақ тулаш мажбурияти бажарилмаганда, Пудратчи Ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.2. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Ҳар қандай вақтда Пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонида бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.2.2. Буюртмачи иш натижаси узига топширгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб,

белгиланган бахонинг Буюртмачи Шартномани бажаришдан воз кечганлиги тугрисидаги хабарнома олгунга кадар бажарилган ишлар кисмига мутаносиб кисмини Пудратчига тулаш. Бунда Буюртмачи Пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилагн зарарни бажарилган ишнинг бахоси билан хамма иш учун белгиланган бахо уртасидаги фарк доирасида тулаши хам шарт.

4.Шартноманинг бахоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1.Мазкур шартноманинг бахоси куйидагилардан ташкил топади:

4.1.1 Мазкур шартноманинг бахоси **381.000.000 (уч юз саксон бир миллион)** сўмни ташкил қилади.

Шундан: **49.695.652** (кирк тўққиз миллион олти юз тўқсон беш минг олти юз эллик сум) сўм 17 тийини қўшимча қиймат солиғи ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига Шартнома бахосини тулаш бажарувчининг мазкур Шартномада курсатилган хисоб-китоб хисобварагига пул маблагларини кучириш йули билан амалга оширилади.

5.Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1.Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4.2-бандига курсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига иш хизматлар бахосининг 0.4 % микдориди пеня тулайди, лекин бунда бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар бахосининг 50 %дан ошиб кетмаслиги зарур.

5.2.Мазкур Шартномада кузда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Узбекистон Республикаси худудида амал килувчи фукаролик конунчилиги меъёрларига мувофиклик кулланади.

5.3. Неустойка тулаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6.Форс мажор холатлари.

6.1.Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда Ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас.

(Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукарлар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошка таъбийий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2.Тарафлар Ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.Низоларни хал килиш тартиби.

7.1 Мазкур Шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида имкон кадар музокаралар йули билан хал килинади.

7.2.Низоларни тарафларнинг музокаралари йули билан хал килиш имкони булмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф килиш борасида конунчиликка кузда тутилган судгача булган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг хужалик суди оркали хал килинади.

8.Яқуний коидалар.

8.1 Мазкур Шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади. Мазкур Шартномага иловалар унинг ажралмас кисми булиб хисобланади.

8.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилиб томонлар томонидан имзоланиб ва Ғазначилик булинмаларидан руйхатдан утгандан сўнг юридик кучга эга булади хамда **31.12.2022** йилгача амал қилади

9.Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

Пудратчи:

«ERK KAPITAL LUXE» LLC

Буюртмачи:

Арнасой туман хокимлиги

СТИР 306231451
ОКОНХ

СТИР 200331628
(ОКОНХ) ИФУТ : 97600

Юридик манзили: *Мишзор вилоят ш. Рашидов*
Туман Оқолтин СИУ ҳудуди
Телефон/факс
Ҳисоб-китоб ҳисобварағи: *20208000905036831001*
Банки *Цлобена Банк АТИБ Мишзор вил. ш.*
МФО *00122*


Юридик манзили: Арнасой туман Голиблар МФЙ
самарқанд куччаси
Телефон/факс *72-372-10-05*
Ш/вх: **401722860082017011402018002**
Молия вазирлиги Ғазначилиги
ЯҒХ Х/р: **23402000300100001010**
ғазначилик СТИРи **201122919**
Банки *Тошкент ш. Марказий банк ХККМ*
МФО **00014**

Пудратчи:



Рахбар:


Буюртмачи:



Рахбар:

З.Исмаилов

28.06.2022 йил



Аرنасой тумани “Бахтли” МФЙ ва “Зарафшон” МФЙ биноларини лойха-смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича

2022 йил “28”

06

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 1

Аرنасой туман

Қатнашдилар:

З.Исматов - Арнасой туман ҳокими бининчи ўринбосари баҳолаш танлов комиссиясининг раиси.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

О.Нуралиев - Арнасой туман ҳокимилиги қурулиш ишлари бўйича мутахассиси, комиссия котиби.
Ф.Адилов - Арнасой туман ҳокими ўринбосари, комиссия аъзоси
Б.Муҳиддинов - Арнасой туман ҳокимилиги бош ҳисобчиси, комиссия аъзоси
А.Бобобеков - Арнасой туман ҳокимилиги девонхона мудири, комиссия аъзоси
И.Дехқонов - Арнасой туман ҳокимилиги хўжалик мудири, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

А Arnасой тумани “Бахтли” МФЙ ва “Зарафшон” МФЙ биноларини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича берилган 15 май 2022-йилдаги 381.314.807 (уч юз саксон бир миллион уч юз ўн тўрт минг саккиз юз етти) сўмлик, №05653-сонли лотга асосан асосан энг яхши таклифларни танлаш бўйича ўтказилган танловда, танлов комиссияси аъзолари томонидан ушбу лот бўйича таклифларни берган иш хизматларни бажарувчилар орасидан энг яхши таклиф берган иш хизматларни бажарувчи танлаб олинган ҳолда ғолиб аниқланди ҳамда 2 иш кунни мобайнида танлов натижаларига асосан аниқланган ғолибга нисбатан рақобатчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар бўлмаганлиги сабабли “ERK CAPITAL LUXE” МЧЖ билан 381.000.000 (уч юз саксон бир миллион) сўмга “Бахтли” МФЙ ва “Зарафшон” МФЙ биноларини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича шартнома тузиш кўриб чиқилди.


Қарор қилади:

1. “ERK CAPITAL LUXE” МЧЖ томонидан Арнасой туман “Бахтли” МФЙ ва “Зарафшон” МФЙ биноларини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича рақобатчиларга нисбатан энг яхши таклифларни берганлиги ҳамда 2 иш кунни мобайнида ғолибга нисбатан ҳеч қандай эътирозлар бўлмаганлиги сабабли “ERK CAPITAL LUXE” МЧЖ билан “Бахтли” МФЙ ва “Зарафшон” МФЙ биноларини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича шартномаси тузилсин.

Ф.Адилов
(И.Ф.О.)


(Имзо)


О.Нуралиев
(И.Ф.О.)


(Имзо)


Б.Муҳиддинов
(И.Ф.О.)


(Имзо)

А.Бобобеков
(И.Ф.О.)


(Имзо)

И.Дехқонов
(И.Ф.О.)


(Имзо)